

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Sambhram Group” компанияси
раҳбари

В.Нагарадж
2024 йил “11” 01

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Жиззах вилоят
хокими

Э.А.Салиев
2024 йил “11” 01

Жиззах шаҳридаги
“Sambhram” университети
нодавлат таълим муассасаси
УСТАВИ

Жиззах шаҳри - 2024 йил

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу устав Жиззах шаҳридаги “Sambhram” университети нодавлат таълим муассасаси (кейинги ўринларда – Университети)нинг ташкилий ҳуқуқий шакли, бошқарилиши, ҳуқуқ ва мажбурияти, жавобгарлиги ҳамда фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилайди.
2. Университет Вазирлар Маҳкамасининг “Жиззах шаҳрида “Sambhram” университетини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 29 июндаги 401-сон қарорига асосан ташкил қилинган.
3. Университетнинг тўлиқ номи:
ўзбек тилида – Жиззах шаҳридаги “Sambhram” университети нодавлат таълим муассасаси, қисқартирилган номи – “Sambhram” университети;
рус тилида – Университет “Sambhram” частное учебное заведение в Жиззаке; қисқартирилган номи – Университет “Sambhram”;
инглиз тилида – “Sambhram” University is a private educational institution in Jizzakh; қисқартирилган номи – Sambhram University.
4. Ушбу устав ўзбек ва инглиз тилида қабул қилинган ва иккаласи ҳам бир ҳил юридик кучга эга ва ўзаро низо бўлиб қолган тақдирда ўзбек тилидаги тахрир устувор тил ҳисобланади.
5. Университет юридик манзили: индекс:130100 Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Жиззахлик МФЙ, Ш.Рашидов кўчаси 83-уй.
6. Университет ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари, Университетнинг бошқарувида оид ҳужжатлар, Кузатув кенгаши ва университет кенгаши қарорлари, ушбу Уставга ва бошқа ҳужжатларга амал қилади.
7. Университет Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари бўйича юридик мақомдаги нодавлат олий таълим муассасаси – Ўзбекистон Республикаси резиденти ҳисобланади ва ўзининг мустақил банлансида ҳисобга олинadиган алоҳида мол-мулкига эга бўлади, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.
8. Университет мустақил бухгалтерия балансига ва сметага эгадир, Ўзбекистон Республикасидаги ва унинг ташқарисидаги банкларда белгиланган тартибда ҳисоб, валюта ва чет эл валютасида бошқа ҳисоб рақамларини очиши мумкин, унинг тўлиқ номи, жойлашган жойи кўрсатилган думалоқ муҳрга эгадир. Университет ўз номи кўрсатилган штамплар ва бланкаларига, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар нишонига ҳамда бошқа ўз белги - аломатларига эга бўлишга ҳақлидир.
9. Университет тадбиркорлик фаолияти ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа барча фаолият турлари билан шуғулланиши мумкин.
10. Университет чекланмаган муддатда фаолият юритади.
11. Университет Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳамда “SAMBHRAM

GROUP” компаниясининг таъсисчилигида ташкил этилган юридик шахсдир.

2-боб. Университетнинг мақсади ва вазифалари

12. Университетнинг мақсадлари куйидагича:

Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимини ривожлантириш, халқаро андозалар асосида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, хорижий етакчи олий таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш;

ўқитишнинг белгиланган таълим-касб дастурлари асосида хорижий тилларни эгаллаш, тил билимларини янада ривожлантиришга ҳамда математика, алгебра, геометрия, физика фанларидан ўз билимларини мактабдан ташқари курсларда ривожлантиришга ва мукаммаллаштиришга мухтож бўлган кадрларни узоқ муддатли ва қисқа муддатли курсларда, махсус семинарларда қайта тайёрлаш;

ўқитишнинг белгиланган таълим-касб дастурлари асосида ахборот-коммуникация технологиялари ва бошқа турли йўналишлар бўйича юридик шахсларнинг ходимларига ва жисмоний шахсларга малака ошириш курсларини ташкил этиш.

13. Университетнинг асосий вазифалари куйидагилардир:

Жиззах вилоятининг ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиш истиқболлари ва устувор вазифаларини, замонавий тадбиркорликнинг ривожланиш тенденцияларини инобатга олган ҳолда, ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси бўйича олий маълумотли кадрларни халқаро стандартлар даражасида сифатли тайёрлашни таъминлаш;

ахборот-коммуникация технологиялари, дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, ахборот тизими ва компьютер тармоқларини бошқариш каби йўналишларда таълим дастурларини амалга ошириш;

Университет ўқув жараёнига илғор хорижий тажрибани, замонавий технологияларни жорий этиш, таълим жараёнини замонавий ўқув адабиётлари ва таълим ресурслари билан таъминлаш;

таълим жараёнига “Sambhram” университети (Ҳиндистон), шунингдек, етакчи хорижий олий таълим муассасаларининг малакали профессор-ўқитувчилари, олим ва мутахассисларини кенг жалб қилиш орқали замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини, илм-фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини жорий этиш;

Жиззах вилоятининг иқтисодиёт тармоқларига истиқболли лойиҳалар, инновацияларни жорий қилишда кўмаклашиш, вилоятдаги мавжуд эҳтиёждан келиб чиқиб, ўтказилган илмий тадқиқотлар ва яратилган ишланмалар натижаларини амалиётга жорий этиш;

таълим ва илм-фан соҳаларида хорижий мамлакатларнинг, хусусан, Ҳиндистоннинг етакчи олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари ҳамда бизнес ҳамжамиятлари билан узоқ муддатли алоқаларни ривожлантириш.

14. Университет ўзининг вазифаларини амалга ошириш учун қуйидаги функцияларни бажаради:

Жиззах вилоятининг ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиш истиқболлари ва устувор вазифаларини, замонавий тадбиркорликнинг ривожланиш тенденцияларини инобатга олган ҳолда, ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси бўйича олий маълумотли кадрларни халқаро стандартлар даражасида сифатли тайёрлашни таъминлаш;

ахборот-коммуникация технологиялари, дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, ахборот тизими ва компьютер тармоқларини бошқариш каби йўналишларда таълим дастурларини амалга ошириш;

Университет ўқув жараёнига илғор хорижий тажрибани, замонавий технологияларни жорий этиш, таълим жараёнини замонавий ўқув адабиётлари ва таълим ресурслари билан таъминлаш;

таълим жараёнига “Sambhram” университети (Ҳиндистон), шунингдек, етакчи хорижий олий таълим муассасаларининг малакали профессор-ўқитувчилари, олим ва мутахассисларини кенг жалб қилиш орқали замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини, илм-фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини жорий этиш;

Жиззах вилоятининг иқтисодиёт тармоқларига истиқболли лойиҳалар, инновацияларни жорий қилишда кўмаклашиш, вилоятдаги мавжуд эҳтиёждан келиб чиқиб, ўтказилган илмий тадқиқотлар ва яратилган ишланмалар натижаларини амалиётга жорий этиш;

таълим ва илм-фан соҳаларида хорижий мамлакатларнинг, хусусан, Ҳиндистоннинг етакчи олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари ҳамда бизнес ҳамжамиятлари билан узоқ муддатли алоқаларни ривожлантириш;

Халқаро андозалар даражасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори малакали дипломга эга мутахассисларни тайёрлашни таъминлаш, шу жумладан, биринчи навбатда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш, маълумотларнинг ахборот базалари, ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрларни тайёрлашнинг самарали тизимини ташкил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида замонавий таълим технологиялари асосида таълим жараёнини ташкил қилишнинг энг илғор хориж тажрибасини жорий қилиш, соғлом рақобат ва очиқ ахборот-таълим муҳитини ривожлантиришга кўмаклашиш;

Республикада узлуксиз таълим тизимини шакллантириш, ахборот коммуникация технологиялари соҳасида малака ошириш тизимини такомиллаштириш учун кўмаклашиш ва мазкур соҳада илмий-тадқиқот, таълим муассасалари билан дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқувчилари, ишлаб чиқариш корхоналари, саноат ва инфратузилма соҳалари ҳамда бошқа замонавий ахборот-коммуникация технологиялари истеъмолчилари ўртасида ўзаро ҳамкорлик алоқаларини таъминлаш;

иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари эҳтиёжидан келиб чиқиб, халқаро андозалар асосида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида юқори

малакали мутахассисларни тайёрлашни назарда тутувчи мақсадли таълим дастурларини ташкил қилиш учун зарур шароитлар яратиш;

ўқув жараёнининг назарий тайёргарликнинг ахборот коммуникация технологияларини қўллаш фаолияти билан узвий боғлиқлигини, талабаларда таҳлилий фикрлаш, янги билимларни мустақил равишда эгаллаш ва улардан фойдаланиш кўникмасини шакллантиришни таъминлайдиган ўқитишнинг замонавий шакл ва методлари, педагогик, ахборот-коммуникация, инновацион технологиялар асосида ташкил этиш;

талабаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, назарий ва амалий билим ва кўникмаларини ошириш бўйича самарали тизимни яратиш, уларда ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш;

иқтидорли ёшларни илмий-тадқиқот ишларига жалб этиш, шу жумладан, талабаларга юксак таълим-тарбия бериш орқали табиий-илмий фанларга бўлган қизиқишларини орттириш ва уларни ўз устида ижодий фаолият юритишини қўллаб-қувватлаш;

илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, жаҳоннинг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги илғор ютуқларини Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқларига кенг тадбиқ қилишни назарда тутувчи илмий мактабларни шакллантириш;

илмий педагог кадрларни тайёрлаш, катта илмий ходим-изланувчилар институтини ташкил қилиш ва ривожлантириш, илмий педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш;

Университет замонавий ахборот коммуникация технологиялари соҳасида хорижнинг етакчи таълим муассасаларининг, шу жумладан Sambhram университетининг ўқув режалари ва дастурларини тадбиқ қилиш, ўқитилаётган фанлар сифат даражасини оширишга йўналтирилган илмий ва ўқув-методик материалларни ишлаб чиқиш;

ноширлик фаолияти билан шуғулланиш, илм-фан ютуқларини ривожлантириш, ўқув-услугий мажмуалар, қўлланмалар, дарсликлар ва илмий адабиётларни чоп қилиш.

3-боб. “Sambhram group” компаниясининг (Ҳиндистон) мажбуриятлари

15. “Sambhram group” компаниясининг (Ҳиндистон) ушбу уставга ва тарафлар ўртасида тузилган таъсис шартномасига мувофиқ Университетни ташкил қилиш ва фаолиятини амалга ошириши учун қуйидаги мажбуриятларни бажаради:

Жиззах вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим Фан ва Инновациялар вазирлиги ҳамда “SAMBHRAM GROUP” компанияси, “SAMBHRAM” университети (Ҳиндистон) ўртасида 2021 йил 16 апрелда Жиззах шаҳрида “SAMBHRAM” университетини ташкил этиш бўйича ҳамкорликдаги ҳаракатларнинг асосий тамойиллари тўғрисида келишув (кейинги ўринларда-келишув)да кўрсатиб ўтилган шартларга мувофиқ тўрт йил давомида жами уч миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция

киритиш;

Университетга ҳар йили қабул қилинадиган талабаларнинг 20 фоизини ўқитиш учун имтиёзли таълим грантлари ажратиш, бунда талабаларнинг 5 фоизини бепул ўқитиш, 5 фоизига 50 фоизли, 10 фоизига 25 фоизли тўлов-контракт миқдорини тўлаб бериш бўйича имтиёзлар тақдим этиш;

Университетда таълим бериш ва ўқув жараёнини ташкил этиш учун 60 фоиздан кам бўлмаган малакали хорижий профессор-ўқитувчиларни жалб қилиш;

Университет профессор-ўқитувчилари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, шу жумладан, нуфузли хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида уларнинг стажировкасини ташкил этиш;

ҳар йили университет битирувчиларининг 25 фоиздан кам бўлмаган қисмини тегишли мутахассисликлар бўйича ишга жойлаштиришга кўмаклашиш;

Университетнинг кутубхона фондиди шакллантириш ва замонавий ўқув, ўқув-методик ҳамда илмий адабиётлар билан тўлдириш;

Университетнинг ўқув-лаборатория базасини шакллантириш, шунингдек, махсус фанларни ўқитиш учун замонавий ўқув воситалари билан жиҳозлаш;

“Sambhram” университетининг (Ҳиндистон) ягона электрон базасига университетда таҳсил олаётган талабалар ҳақида маълумотлар ҳамда талабаларга бериладиган дипломларнинг қайд рақамларини киритиш;

Университет ўз фаолиятини тугатган тақдирда, Университетда таҳсил олаётган талабаларга ўз йўналишлари бўйича ўқишини давом эттириб, “Sambhram” университетининг (Ҳиндистон) белгиланган намунадаги дипломини олишга имконият яратиш;

Университетда Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари ҳамда келишув шартларига мувофиқ тўлақонли таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш.

4-боб. Жиззах вилоят ҳокимлигининг мажбуриятлари

16. Жиззах вилояти ҳокимлиги тегишли Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Жиззахлик маҳалласи, Шароф Рашидов кўчасида жойлашган собиқ Олий ҳарбий авиация билим юрти бино ва иншоотларининг бир қисмига (маъмурий бино, учрашувлар зали ва 700 ўринли ошхона бинолари) текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида Университет жойлаштиради.

5-боб. Ўқув жараёни, таълим-тарбия ва илмий методик ишларни ташкил этиш

17. Университетга абитуриентларни қабул қилиш ва битирувчиларни аттестациядан ўтказиш қоидаларга мос равишда амалга оширилади.

18. Sambhram университети (Ҳиндистон) белгиланган муддатларда абитуриентларни қабул қилиш ва битирувчиларни аттестациядан ўтказиш

бўйича талабларни ишлаб чиқади ва Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инноватсиялар вазирлиги келишуви билан амалга оширади.

19. Қабул комиссияси Жиззах шаҳридаги Sambhram университети томонидан шакллантирилади.

20. Талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби, талабалар билимларини баҳолаш шакли, тартиби, ўқиш жадвали Sambhram университети (Хиндистон) ўқув дастури ва режалари асосида ташкил қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандартлари талабларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

21. Талаба олий таълим муассасасида қуйидаги ҳолларда четлаштирилиши мумкин:

а) ўз хоҳишига биноан;

б) ўқишнинг бошқа таълим муассасасига кўчирилиши муносабати билан;

г) ўқув интизомини ва олий таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларини ҳамда одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлиги учун;

д) бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортиқ қолдирганлиги сабабли;

е) ўқиш учун белгиланган тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли (тўлов-контракт бўйича таҳсил олаётганлар учун);

ж) талаба суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;

з) суд қарорига кўра кириш имтихонларида белгиланган тартибни бузганлиги аниқланган (ушбу ҳолатда талабалар сафидан четлаштирилганлар талабалар сафига қайта тикланмайди);

и) вафот этганлиги сабабли.

22. Ҳарбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиш, шунингдек, болаларни парвариш қилиш таътиллари даврида ҳамда оиласининг бетоб аъзосини (отаси, онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар, турмуш ўртоғи, фарзанди) парвариш қилиш учун талабага Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда академик таътил берилиши мумкин.

23. Белгиланган муддатларда фанларни ўзлаштира олмаган (академик қарздор бўлган) талаба олий таълим муассасаси ректори буйруғи билан курсдан қолдирилиши мумкин.

24. Академик қарздорлиги туфайли курсдан қолдирилган талаба тўлов-контракт асосида ўқишини қуйи курснинг тегишли ўқув семестри бошидан бошлаши мумкин.

25. Талабалар ўқув юкламаси ҳажмини аниқлашнинг шартли бирликлари (кредитлар)ни ўтказиш ва жамлаш тизими жорий этилган олий таълим муассасаларида академик қарздорлиги туфайли курсдан қолдирилган талабалар қуйи курсдаги тегишли ўқув семестридан бошлаб фақат ўзлаштира олмаган фанларини (модулларини) такроран ўқишлари мумкин.

26. Курсдан қолдирилган талаба ушбу Уставнинг 4.2.1-бандидаги ҳолатлар бўйича талабалар сафидан четлаштирилиши мумкин.

27. Олий таълим муассасаси маъмурияти ташаббуси билан ушбу Уставнинг 21-банди “е”-кичик бандига кўра, талабаларни ўқишдан четлаштириш талабалар касаба уюшмасининг ёзма розилигини инобатга олган ҳолда (касаба уюшмаси аъзоси бўлган талабалар учун) амалга оширилади. Шунингдек, талаба мазкур Уставнинг 21-банди “г”-кичик бандига кўра четлаштирилаётган ҳолда, таълим муассасасининг Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти билан ҳам келишиши мумкин.

28. Талаба олий таълим муассасасидан четлаштирилганида, унга (отонаси ёки ҳуқуқий васийсига уларнинг аризаси билан) шахсий ҳужжатлари, белгиланган шаклдаги академик маълумотнома топширилади ва уларнинг нусхаси шахсий йиғма жилдга тикиб қўйилади.

29. Университетдаги тартиб ва таълим шакли кенгаш таклифи билан ректор томонидан тасдиқланади.

30. Университет қуйидаги йўналиш ва мутахассисликлар бўйича олий таълимнинг асосий таълим дастурлари, қўшимча таълим (кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш)нинг дастурларини амалга оширади:

1) олий таълимнинг бакалаврият йўналиши бўйича:

№	Шифр	Таълим йўналиши
1	B.Tech.IT	Axborot texnologiyalari muhandisligi
2	BSc.IT	Axborot texnologiyalari fanlari
3	BBA.IT	Biznes boshqarvi

2) олий таълимнинг магистратура йўналиши бўйича:

№	Шифр	Таълим йўналиши
1	MSC.IT	Axborot texnologiyalari fanlari
2	MBA.IT	Biznes boshqaruvi

31. Кузатув кенгаши қарорига асосан Университетда кундузги ва сиртқи таълим шаклларида янги йўналишлар очилиши мумкин. Мазкур йўналишларга лицензия олиш бўйича тегишли чоралар кўриб борилади.

32. Университетда таълим бериш меъёрларга мувофиқ таълим стандартлари, ўқув режалари, дастур ва тизимли баҳолаш ҳамда Ҳиндистоннинг Sambhram университетига мос стандартлар асосида инглиз ва ўзбек тилида кундузги ва сиртқи таълим шаклида ўқитилади.

33. Таълим гранти имтихонлари кўк ручкада махсус варақага тўғри жавоб вариантини юмалоқ қилиб бўяб белгилаш йўли билан инглиз ва ўзбек тилларида берилган саволлардан иборат тест синовлари кўринишида ўтказилади.

34. Таълим грантлар ҳар семестр якунида бакалаврият таълим йўналишларидаги имтихонлардан муваффақиятли ўтган талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳамда таълим курсларига қараб қуйидаги фоизларда амалга оширилиши мумкин:

Ҳар бир семестр учун ўқувчилар фоизи (%)	Семестр учун бериладиган грант фоизи (%)
5	100
5	50

10	25
Эслатма: Ота-онаси вафот этган талабалар - жами 10 нафар талабалар йилига.	

35. Университет битирувчиларига Ўзбекистон Республикаси ва Ҳиндистон Республикасида олий таълим тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинадиган белгиланган намунадаги диплом берилади. Бу диплом Ўзбекистон ва Ҳиндистон Республикаларидаги олий маълумот олинганлигини тасдиқловчи ҳужжат сифатида тан олинади.

6-боб. Университет тузилмаси ва бошқаруви

36. Университет муассислари қуйидагилардир:

Жиззах вилояти ҳокимлиги;

Sambhram Group компанияси (Ҳиндистон).

37. Жиззах вилояти ҳокимлигининг ва Sambhram Group (Ҳиндистон) компаниясининг молиявий улуши университет Кузатув кенгаши қарори асосида ҳал этилади.

38. Университет тузилмаси Кузатув Кенгаши қарори билан томонидан тасдиқланади.

39. Университетнинг таркибий тузилмасида факультетлар, кафедралар, бўлимлар, ўқув лабораториялар ва бошқа ўқув, илмий, илмий-услубий, ишлаб чиқариш, маъмурий-хўжалик ва ёрдамчи бўлинмалар ҳамда тайёрлов бўлимлари бўлиши мумкин, жумладан:

Университет таркиби :

а) Ректорат

Ректор (Ўзбекистон);

Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректор;

Ўқув ишлари бўйича проректор;

Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор;

Молия ва иқтисодий ишлар бўйича проректор;

б) Ректорнинг маслаҳатчилари (талабалар орасида ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга масъул ректор маслаҳатчиси ҳамда Хотин қизлар масалалари бўйича ректор маслаҳатчиси);

в) факультет номи:

B.Tech.IT (Ахборот технологиялари муҳандислиги);

BSc.IT (Ахборот технологиялари фанлари);

BBA (Бизнес бошқаруви);

г) кафедралар номи:

Умумқасбий фанлар;

Ахборот технологиялари муҳандислиги;

Ахборот технологиялари фанлари;

Бизнес бошқаруви ва менежменти;

д) илмий лабораторияларнинг номи:

Робототехника лабораторияси;

е) бўлимларнинг номлари:

Ходимлар бўлими;
Бухгалтерия бўлими;
Ўқув-услубий бўлим;
Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими;
Халқаро ҳамкорлик бўлими;
Спорт бўлими;
Тайёрлов ва қабул бўлими;
Маркетинг бўлими;
Талабалар турар жойи билан ишлаш бўлими;
Магистратура бўлими;
Сиртки бўлим;
Ахборот ресурс маркази (кутубхона);
Техник фойдаланиш ва хўжалик бўлими;

ж) ходимлар:

Ўқув-ўқитувчи маслаҳатчиси;
Ректор ёрдамчиси;
Ректорат котибаси;
Университет Кенгаши котибаси;
Психолог;
Матбуот котиби;
Факультет таржимонлари ва тьюторлари.

40. Университет мавжуд қонунчилик ҳамда мазкур Уставга мувофиқ, ўқув дастурларини амалга ошириш юзасидан қўшимча таркибий бўлинмаларини яратиш ҳамда бошқа ташкилотларда муассис (иштирокчи) бўлиш ҳуқуқига эга. Таркибий бўлинмалар юридик шахс ва юридик мақомга эга бўлмаган шахслар Университетнинг қуйидаги йўналишдаги мақсадларини амалга ошириши мумкин:

илмий-таълим даражаси ва ўқув жараёнининг амалий жиҳатдан йўналтирилганлик даражасини ошириш;

ўқитилаётган фанларнинг йўналиши бўйича илмий-эксперт, консалтинг ва бошқа ишларни ўтказиш;

талабаларга амалий ёрдам кўрсатиш, битирувчиларни ишга жойлаштириш, талабаларни маҳаллий ва хорижий ўқув муассасалари ва ташкилотларда амалий тажриба орттириш тадбирларида ёрдам бериш;

Университет томонидан чиқарилган ўқув, ўқув-методик қўлланмалар, илмий дарсликлар ва бошқа маҳсулотларни сотиш.

Университет болалар ва ўсмирларнинг яқка тартибдаги эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақти ва дам олишини ташкил этиш мақсадида маданий-эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда дарсдан ташқари таълим жараёнини ташкил этиши, шу йўналишда болалар, ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, санъат мактаблари, студиялар, кутубхоналар, соғломлаштириш муассасалари ва бошқа муассасалар очиши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги билан таъқиқланмаган бошқа

фаолият турлари олиб бориши мумкин.

41. Университет мазкур Уставда белгиланган вазифаларни бажариш ҳамда қўшимча молиявий манбалар шакллантириш мақсадида бошқа ташкилотларда муассис (иштирокчи) бўлиши мумкин.

42. Университет бошқаруви Ўзбекистон Республикаси қонунлари, мазкур Устав, Кузатув ва университет кенгашлари қарорлари ҳамда ректор буйруқлари асосида амалга оширилади.

43. Университет бошқарув тузилмасига қуйидагилар киради:

Кузатув Кенгаши;

Университет Кенгаши;

Ректор.

44. Кузатув Кенгашининг таркиби, ваколатлари, шакллантирилиши ва фаолияти "Кузатув кенгаш тўғрисидаги Низом" билан белгиланади ва тасдиқланади.

45. Кузатув Кенгаши:

Университет Уставини ва унга киритилаётган қўшимчалар ва ўзгартиришларни тасдиқлайди;

Университетнинг ўқув йилига тушумлари миқдори (шу жумладан бакалаврият ва магистратура бўйича тўлов-контракт асосида таълим беришнинг бир йиллик шартнома қийматини) ва уларнинг бажарилишини, харажатлар сметаларининг умумлаштирилган йўналишлар бўйича тасдиқлайди;

Университет хўжалик фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш тўғрисидаги долзарб қарорларни қабул қилади;

Университет фаолиятини молиялаштириш ўз маблағлари ва қарз маблағлари ҳамда ҳомийлик манбалари, грантлар ва бегараз кўмакларни жалб қилиш юзасидан тегишли чораларни кўради;

Университет молиявий фаолияти натижаларини кўриб чиқади, йиллик молиявий ҳисоботларни тасдиқлайди ҳамда ректор, проректор ва таркибий тузилмалар ҳисоботларида қабул қилинган қарорларни муҳокама қилади ва тасдиқлайди;

Университетни комплекс назорат тафтиш тартибида ўрганиш мақсадида, назорат тафтиш комиссиясини ташкил этади;

Университетга қабул қилинган талабаларни таълим учун тўловдан тўлиқ ёки қисман озод қилишнинг умумий шартларини белгилайди.

Кузатув кенгаши ўзининг ваколати доирасида бошқа масалаларни амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида, мазкур Устав ва Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомга мувофиқ амалга оширади.

46. Университетнинг Илмий Кенгаши беш йил муддатга сайланади.

Илмий Кенгаш раиси Университет ректори ҳисобланади.

Кенгаш фаолияти ва таркиби Кузатув Кенгаши билан келишилган ҳолда Университет ректори буйруғи билан тасдиқланади.

47. Университет Кенгаши:

Университетни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга, моддий-техник базаси ва инфратузилмасини ривожлантиришга оид масалаларни

кўриб чиқади ва ҳал қилади ва уларга оид ўқув дастурларни тасдиқлайди;

Университетда мавжуд бўлган вакант кафедра мудирлари, профессор, доцентлар, катта ўқитувчилар, ассистентлар лавозимларига ва кафедралар билан келишув асосида илмий унвон олишга номзодларни танлов асосида кўриб чиқади ва Университет ректорига таклиф киритади;

мутахассис ва илмий-педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, янги йўналиш ва мутахассисликлар очиш, илмий-тадқиқот фаолиятини олиб бориш каби масалаларни кўриб чиқади ва ҳал қилади;

ўқув-режаларини ва илмий-тадқиқот ишлари режаларини тасдиқлайди;

Университет фаолиятининг педагогик, илмий, ижтимоий масалаларни кўриб чиқиш, ривожлантириш бўйича комиссияларни ташкил қилади, уларнинг ҳисоботларини муҳокама қилади ва Университет ҳамда унинг бюджетини ривожлантириш режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олинадиган зарур қарорлар қабул қилади.

7-боб. Университетни бошқариш

48. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда ушбу Уставга мувофиқ Университет фаолиятини бошқариш Университетга Муассислар томонидан (Муассислар ва Ректор ўртасида тузилган шартномага асосан) лавозимга сайланадиган ва лавозимдан озод этиладиган ректор раҳбарлик қилади.

49. Университет Ректори:

Университетнинг кундалик фаолиятига раҳбарликни амалга оширади, унинг бутун фаолияти учун жавобгар ҳисобланади ва Кузатув кенгашига Университетнинг фаолияти якунлари тўғрисида йиллик ҳисоботини тақдим этади. Ректор Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этади;

Университетнинг жорий фаолиятини бошқаради ва фаолиятига тўлиқ масъулдир;

Университет номидан ишончномасиз фаолиятни амалга оширади, унинг манфаатлари доирасида тегишли шартномалар тузади;

Университет номидан вакиллик ҳуқуқи билан ишончномалар беради;

Университет профессор-ўқитувчилари, илмий ва бошқа ходимлари билан ўрнатилган тартибда меҳнат шартномаларини тузади ва уларни бекор қилади, уларни моддий рағбатлантириши, тегишли жазо чораларини кўриши мумкин;

хўжалик шартномаларини, ўқитишга грантлар эълон қилади ва тўлов контрактларини расмийлаштиради;

ўзининг ваколати доирасида Университетнинг маъмурий бошқаруви, профессор-ўқитувчи ходимлари ва талабалар томонидан бажарилиши лозим бўлган буйруқ ва фармойишларни чиқаради;

Университет проректорлари орасида мажбуриятлари ва вазифаларини тақсимлайди;

абитуриентларни қабул қилишни ва битирувчиларни аттестациядан

ўтказишни ташкил этади;

пул маблағларини бошқариш ваколатини белгиланган тартибда амалга оширади, қонунларга мувофиқ уларни сарфлаш учун жавобгар ҳисобланади;

Университетни моддий-техник ва молиявий ресурслари билан таъминлаш чораларини ўз ваколати доирасида кўради;

Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерлик ҳисоби ва иш юритишни шакллантиради ва ташкил этади, тегишли органларга молиявий ва бухгалтерлик ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этиш учун масъул ҳисобланади. Университетнинг тасдиқланган ташкилий-бошқарув тузилмаси асосида штатлар жадвали ва унга ўзгаришлар, лавозим йўриқномаларини тасдиқланишини таъминлайди;

Университет мулки ва моддий бойликларининг бутлигини таъминлайди;

тартиб ва ёнғин ҳавфсизликни таъминлашни, фуқаро муҳофазаси талабларига амал қилинишини таъминлайди;

Университетнинг Кузатув кенгаши ваколати доирасида қабул қилинган қарорларни бажарилишини ташкил этади;

Кузатув кенгаши қарори асосида Университетнинг даромадлар ва харажатлар режасини тасдиқлайди, шу билан бирга ушбу режага даромадлар ва харажатларнинг тасдиқланган балансини сақлаб қолган ҳолда ўқув йили давомида Университет эҳтиёжлари ва даромадлар тушумидан келиб чиққан ҳолда ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

Университет ректори ҳар йили Кузатув Кенгаши олдида Университетнинг фаолияти масалалари бўйича ҳисобот беради.

50. Университетда ўқув, илмий, халқаро алоқалар, ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлари бўйича проректор лавозимлари киритилиши мумкин.

51. Университетнинг ўқув, илмий ва халқаро алоқалар бўйича проректорларига номзодлар Ҳиндистоннинг Sambhram Университети томонидан танланади ва Кузатув Кенгаши томонидан тайинланади. Университетнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори ўрнатилган тартибда Кузатув Кенгаши билан келишилган ҳолда тайинланади.

52. Илмий-таълим жараёнини режалаштириш, шу жумладан ўқув дастурлари ва стандартларини шакллантириш, талабаларни тайёрлаш сифатини таъминлашга раҳбарликни ректор амалга оширади.

53. Университет ректори илмий-таълим жараёнини режалаштириш масалалари бўйича якуний қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

8-боб. Педагоглар таркиби, ўқув-тарбия персонали

54. Университет жамоаси профессор-ўқитувчилар таркиби, илмий ходимлар, кутубхона ходимлари, маъмурий-бошқарув, муҳандис-техник, ўқув-ёрдамчи ва ишлаб чиқариш персоналидан иборат;

55. Университет ходимларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қонунчилик ҳужжатлари ва Университетнинг бошқа локал ҳужжатлари билан

белгиланади;

56. Университетнинг факультетлари ва уларга тенглаштирилган бошқа бўлинмалари Университетнинг ўқув-илмий бўлинмалари ҳисобланади ва таркибий тузилмасига киради.

57. Факультет:

мазкур Уставга зид келмайдиган факультет Низоми асосида амал қилади;

кафедралар, лабораториялар ва бошқа ўқув, илмий ва ёрдамчи бўлинмаларга эга.

58. Факультетнинг бутун фаолиятини декан бевосита бошқаради.

59. Факультет декани лавозимиغا Университетнинг Кенгаши томонидан 3 йилгача муддатга илмий даража ёки унвонга эга бўлган профессор-ўқитувчилар таркибининг энг малакали ва обрўли вакиллари орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

60. Агар овоз беришда Кенгаш аъзоларининг камида $\frac{2}{3}$ аъзоси иштирок этса ва унга Университетнинг Кенгашининг овоз беришда иштирок этган аъзоларининг камида 50 фоиз плус битта аъзо овоз берган бўлса, декан лавозимга сайланган ҳисобланади. Сайланган декан лавозимиغا Ректорнинг буйруғи билан тасдиқланади.

61. Декан факультет фаолиятини бошқаради, факультетнинг иши, ўқув, ўқув-методик, илмий-тадқиқот ва тарбиявий иши ҳолати учун, шу жумладан талабалар ётоқхонасидаги ишларнинг ҳолати учун тўлиқ жавобгардир, у Ректорга декан ўринбосарларини, факультетнинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш тўғрисида таклифлар киритади.

62. Барча ўқув, методик, тарбиявий ва илмий ишни узвий бирликда бажарувчи Университет факультетларининг асосий таркибий бўлинмаларидан бири кафедра ҳисобланади.

63. Кафедранинг асосий вазифалари бир ёки бир нечта турдаги фанлар бўйича ўқув ва ўқув-методик ишни, талабалар ва тингловчилар билан тарбиявий ишларни, кафедра ихтисослиги бўйича илмий ишни ташкил этиш ва амалга ошириш илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишдан иборат.

70. Кафедрани кафедра мудири бошқаради.

71. Кафедра мудири лавозими сайланувчи лавозим ҳисобланади. Кафедра мудири Университетнинг Кенгаши томонидан Ректорнинг тақдимоти бўйича 5 йил муддатга сайланади, агар кафедра мудири ушбу муддат ичида ўзини кўрсата олса ва яна бир йилга узайтирилади. Университет ректори кафедра мудири номзодини етакчи профессорлар, доцентлар, шунингдек илмий даража ёки унвонга эга бўлган фан, техника ва технологияларнинг тегишли соҳадаги йирик мутахассислар орасидан Университетнинг Кенгашида кўриб чиқиш учун киритади. Дастлаб, кафедра мудири номзоди университетнинг тегишли кафедрасининг профессор-ўқитувчилари таркиби йиғилишда кўриб чиқилади ва кафедра аъзоларининг оддий кўпчилиги қўллаб-қуватланган бўлса, сайланишга тавсия этилган

ҳисобланади. Агар овоз беришда Университетнинг Кенгаш аъзоларининг камида 2/3 қисми иштирок этган бўлса ва номзод учун Кенгашнинг овоз беришда иштирок этган аъзоларининг камида 50 фоиз плюс битта аъзо овоз берган бўлса, у ҳолда кафедра мудир лавозимга сайланган деб ҳисобланади. Сайланган кафедра мудир лавозимга ректор буйруғи билан тасдиқланади.

72. Кафедра таркибига профессорлар, доцентлар, катта ўқитувчилар, ўқитувчилар, ассистентлар ва ўқув-ёрдамчи персонал киради. Илмий ишларни олиб бориш учун кафедра штатида лабораториялар мудирлари, илмий ходимлар, муҳандислар, лаборантлар ва бошқа тоифадаги ходимлар бўлиши мумкин.

73. Кафедраларда ўқув жараёнини техник таъминлаш ўқув-ёрдамчи персонал (ходимлар) томонидан амалга оширилади.

9-боб. Университет мулки ва молиялаштириш

74. Университет фаолиятини мазкур Уставга мувофиқ таъминлаш мақсадида бинолар ва мажмуалар, иншоотлар, қурилмалар кўринишидаги мулкка, шунингдек истеъмолчилик, ижтимоий, маданий ва бошқа вазифаларни бажарувчи бошқа зарур мулкка эга;

75. Вазирлар Маҳкамасининг “Жиззах шаҳридаги “Самбҳрам” университетини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 29 июндаги 401-сонли қарорига мувофиқ Университет Жиззах вилояти ҳокимлигига тегишли Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Жиззахлик маҳалласи, Шароф Рашидов кўчасида жойлашган собиқ Олий ҳарбий авиация билим юрти бино ва иншоотларининг бир қисмига (маъмурий бино, учрашувлар зали ва 700 ўринли ошхона бинолари) текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида фаолият юритади.

Бунда, бириктирилган бино ва иншоотлар ҳамда унга тегишли ҳудудни сақлаш билан боғлиқ барча харажатлар, жумладан, коммунал тўловлар Университет маблағлари ҳисобидан қопланади.

76. Университетни ташкил қилиш ва унинг фаолият юритиши учун маблағлар қуйидагилар ҳисобига шакллантирилади:

77. Университет фаолиятини молиялаштириш манбалари қуйидагилар ҳисобланади:

- муассислар маблағлари;

- тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

- хўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан олинadиган даромадлар;

- jisмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари, халқаро молия институтларининг грантлари;

- муассис(лар)нинг инвестиция маблағлари;

- тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

- хўжалик фаолияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан олинadиган даромадлар;

- jisмоний ва юридик шахсларнинг хайрия маблағлари, шунингдек

12-боб. Университетни қайта ташкил этиш ва тугатиш

85. Мазкур Устав ваколатли органларда рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб кучга киради ва Университет тугатилгунча ёки Устав янги тахрирда тасдиқланиб белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган вақтга қадар амал қилади.

86. Уставга Кузатув кенгаши билан келишувга кўра қабул қилинган, Муассисларнинг қарори асосида ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш мумкин.

87. Университетни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

13-боб. Муассисларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, муассисликка қабул қилиш ва ундан чиқиш шартлари ва тартиби

88. Университетнинг муассисларига уларнинг мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича имтиёзлар берилади.

89. Муассислар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

кадрларни тайёрлаш бўйича ўзининг соҳа ва тармоқ манфаатларини кўзлаб, ўқув жараёнини ривожлантириш юзасидан таклифлар бериш;

Университет фаолиятини ривожлантириш юзасидан ташаббуслар билан чиқиш ва таклифлар киритиш, шу жумладан, ишлаб чиқариш ва таълим интеграцияси юзасидан ўзаро ҳамкорликни кучайтириш масалаларига оид;

Университетнинг Кузатув кенгаши йиғилишларида иштирок этиш;

Университет қошида кадрларни тайёрлаш бўйича ихтисослаштирилган ва мутахассисликка йўналтирилган Марказларни ташкил қилиш;

Республиканинг етакчи тармоқлари ва соҳаларига ҳамда Университет фаолиятини ривожлантириш мақсадида инновацион лойиҳаларни тадбиқ қилиш ва ишланмаларни жорий қилишда иштирок этиш ва фойдаланиш (шу жумладан, илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятнинг венчур шаклини жорий қилиш).

90. Муассисларнинг ушбу уставда назарда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарлигидан ташқари ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиги тарафлар ўртасида тузилган таъсис шартномасида кўрсатилади.

14-боб. Яқуний қоидалар

91. Ушбу устав давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

92. Университет амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда қайта ташкил этилиши, тугатилиши мумкин, қонунчиликда белгиланмаган ҳолатлар муассисларнинг ўзаро келишуви асосида ҳал этилади.

93. Ушбу устав талабларини бажармаган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

манфаатдор ташкилотларнинг тегишли шартномалар асосида тақдим этадиган грантлар;

халқаро молия институтларининг грантлари;

ҳомийлар ва Ўзбекистон Республикаси қонунларида ман этилмаган бошқа манбалар.

10-боб. Университетнинг молиявий хўжалик фаолияти, ҳисоб, ҳисобот ва назорат

78. Университет Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ хўжалик фаолиятини мустақил амалга оширади.

79. Университет бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботини Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда олиб боради.

80. Университет Ўзбекистон Республикасининг давлат органларига солиққа тортиш ва умумдавлат статистик ҳисоби ва ҳисоботини олиб бориш учун зарур ахборотни тақдим этиш бўйича мажбуриятларни мустақил бажаради.

81. Пул ва товар-моддий бойликларни бериш ва қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи, шунингдек ташкилотлар ва фуқаролар билан кредит ва ҳисоб-китоб муносабатларини тартибга солувчи барча ҳужжатларга Университет ректори ва бош бухгалтери, улар бўлмаган ҳолларда бунга ваколат берилган шахслар имзо қўяди.

82. Тафтиш комиссияси:

бир йилда камида бир марта ҳисоб-китобларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини текширади, амалга оширилган харажатларни тафтишдан ўтказди, йиллик ҳисобот ва баланс ҳисоботи бўйича хулосалар тайёрлайди;

келгуси йил даромадлари ва харажатлари молиявий режаларининг тўғри расмийлаштирилганлигини ва асосланганлигини кўриб чиқади;

молиявий маблағларнинг мақсадли ва самарали фойдаланилиши ҳақида Университетнинг Кузатув кенгашига ҳисобот беради.

83. Университетнинг молиявий-хўжалик, маъмурий ва бошқа фаолиятини, Университет мулкнинг бутлигини назорат қилиш ва текшириш Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ амалга оширилади.

11-боб. Университетнинг халқаро фаолияти

84. Университет педагогик, илмий-методик ва ноширлик фаолиятида, шунингдек, талабаларни алмашиш, ўқитувчиларни хорижий тажриба алмашиш, хорижий етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказлари билан ҳамкорликда илмий-тадқиқотлар ўтказиш юзасидан амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, англашув меморандумлари, ҳамкорлик шартномалари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тадбирларни амалга оширади.